

Аллоҳ таоло барчамизга пок виждон ато этсин!



07:49 / 26.08.2023 1023

Виждон инсонга берилган буюк неъмат. У инсондаги ички товуш. Қалб саси, Ҳақ садосидир. У орқали киши ўз хатти-ҳаракат ва тасарруфотларидаги тўғри ва нотўғри ишларни ажратади. У туфайли ўзгаларга нисбатан адолатли ва шафқатли бўлишга интилади. Ўзгаларга азият берадиган ишлардан тийилади. Инсонни уйғоқ виждон ўзгалар манфаати йўлида ҳаракат қилишга ундайди. Соҳибини олийжанобликка чақиради. Аммо, қулоқ солинмаса, эътиборсиз ташлаб қўйилса, вақт ўтиб сўниши, ўлиб қолиши мумкин. Ундан кейин инсон ўзини назорат қилмай қўяди. Қаерга қараб кетаётгани, нималар қилаётганининг фарқига бормади. Ҳаёси йўқолиб қолади. Қалбларни оғритади. Аммо, бундан ўзининг хабари бўлмайди. Агар виждон буткул ўлиб қолмаган бўлса, инсон ўзгаларга адолатсизлик қилганда, ўзгалар ҳақини еганда, Аллоҳга исён қилган дамларда унга маънавий азоб беради. Маломат қилади ва қилаётган ишларидан қайтаради. Бу ҳам яхшилик аломатидир. Зеро, бу виждон ҳануз тирик. Шунинг учун демишларки, тирик виждон юмшоқ ёстикдир. Соҳиби ўз виждони ва маънавий қадриятларига зид ишларни содир этишдан тийилгани учун кечалари хотиржам ухлайди. Аллоҳ таоло барчамизга пок виждон ато этсин!

Алишер Султонходжаев

*Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 11 августдаги 03-07/6522-
рақамли хулосаси асосида тайёрланди.*